



21.01.2022 даги

Чирчик шаҳар Электр тармоклари ва Тошкент вилояти хокимлиги Махсус базаси ўртасида 405000,00 сўм  
умумий суммага тузилган 300430 - сонли шартномага

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\***

Боб  
Шахсий газна хисобварак 178  
100021860272597029902178001

сўмда

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)		Жами
	4221000		
Январь	135 000,00		135 000,00
Февраль	135 000,00		135 000,00
Март	135 000,00		135 000,00
Апрель			
Май			
Июнь			
Июль			
Август			
Сентябрь			
Октябрь			
Ноябрь			
Декабрь			
<b>Жами йил бўйича</b>	<b>405 000,00</b>		<b>405 000,00</b>

Жами 405000,00 сўм

Тўрт юз беш минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юкоридаги кўрсатилган суммадан \_\_\_\_\_ сўм ёки \_\_\_\_% \*\*\* шартноманинг умумий суммасидан  
\_\_\_\_% \*\*\*20 \_\_\_\_\_ ойида тўланиши лозим.

(\*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи оловчи ва БМЖ маблағи оловчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\*) — Юкоридаги кўрсатилган суммадан ойига 100 % жорий ойнинг 25 санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи оловчи ва БМЖ маблағи оловчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алока хизматлари ва конун хужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш холларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбарни



Буюртмачи бойчуклалари

Ғазначилик бўлинмасининг  
ходими кабул килди

*Г. Рузматов*  
(ИМЗО)

Рузматов Ф. Р.  
ФИШ

*Д.А. Миржалалова*  
(ИМЗО)

Миржалалова Да.  
ФИШ

Буюртмачи ходими  
кабул килди

«\_\_\_» 20 й.

«\_\_\_» 20 й.

**ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА БҮЛМАГАН ТАДБИРКОР ИСТЕМЕЛЧИЛАР  
УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ**

**ШАРТНОМАСИ**

20 ж ийл “21” июль

№ 300430 сон

Чирчиқ тэтк

Т(Ш)ЭТК номи

“TOSHKENT NETK” АД

Чирчиқ

туман (шахар) электр таъминоти корхонаси

(кейинги ўринларда “Корхона” деб юритилади) № УБ-ЧЗМ/03-756 сонли Бош ишончнома  
асосида фаолият юритувчи раҳбари

С.Д. Жиришев

бир тарафдан ва

(туман(шахар) электр нормоқлари корхонаси раҳбарининг Ф.И.Ш.

Ташкил бисмете хожишими Махсус бераси

(истемолчининг номи)

(кейинги ўринларда “Истемолчи” деб юритилади) нинг Чирчиқ асосида фаолият юритувчи раҳбари  
Ф.Р. Рузматов иккинчи томондан мазкур шартномани  
қўйидагилар тўғрига туздилар:

**I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - **Шартнома** деб аталади) мувофиқ, “Таъминотчи корхона” “Истемолчи”га электр энергиясини уланган тармоқ оркали етказиб бериш ва “Истемолчи” истемол килинган энергия учун ўз вактида ҳак тўлаш мажбуриятини олади.

**II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ**

2.1. Электр энергия истемолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 900 кВт.с. реактив 4 кВар.с.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кунидаги умумий нархи  
405000 сўмни, тариф бўйича 450 ташкил этади.

тариф тури: табакалаштирилган, бир ставкали ёки ахолига тенглаштирилган, (кераклиси ёзилсан)

2.3. “Истемолчи”га етказиб бериладиган электр энергиясининг ойлар кесимидағи йиллик ҳажми ушбу шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. “Истемолчи” томонидан истемол килинган электр энергиясининг ҳак тўланиши лозим бўлган ҳажми ушбу шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида, хисобга олиш приборлари уланган ток ва кучланиш трансформаторларининг трансформация коэффициентлари инобатга олинган ҳолда аниқланади.

2.5. Истемолчиларнинг (маиший истемолчилар ва тадбиркорлик субъектларидан ташқари) электр энергиясини хисобга олиш ускуналари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишнинг бошқа воситалари истемолчининг маблағлари хисобига сотиб олинади, давлат киёсловидан ўтказилади, худудий электр тармоқлари корхоналари томонидан бепул ўрнатилади, пломбаланади ва рўйхатдан ўтказилади.

**III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

3.1. Электр энергияси учун хисоб-китоблар табакалаштирилган, бир ставкали ёки ахолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган куввати 750 кВА ва ундан ортик бўлган “Истемолчи” (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истемолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) электр энергияси учун хисоб-китобларни табакалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истемол килинган энергия учун табакалаштирилган тариф бўйича хисоб-китоблар:

ярим тигиз давр – сутканинг ёруғ вактида (соат 9<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> гача) – белгиланган тариф бўйича,

тигиз давр – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта микдор соат 6<sup>00</sup> дан 9<sup>00</sup> гача, кечки энг катта микдор соат 17<sup>00</sup> дан 22<sup>00</sup> гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда ўсувчи коэффициентни кўллаш оркали;

тунги давр – сутканинг коронги вактида (энг кам юкламали соатларида: 22<sup>00</sup> дан 24<sup>00</sup> гача ва 00<sup>00</sup> дан 6<sup>00</sup> гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаювчи коэффициентни кўллаш оркали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гурухи бир ставкали истемолчиларга кўлланиладиган тарифга тугри келади.

Табакалаштирилган тариф қўлланилмайдиган истемолчига нисбатан энергия учун хисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган куввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айrim хизматлар кўрсатувчи истемолчилар учун тўловлар Ҳукумат карори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

Уланган кувватидан катъий назар, крипто-актив ва майнинг соҳасида фаолиятни амалга оширувчи истемолчилар (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йигимлари форматида мукофот олиш

имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш бўйича фаолият) фойдаланган электр энергияси учун тўловларни тегишли тариф гурухига асосан белгиланган тарифга нисбатан З баробар ўсувчи коэффициентга мувофик тўлади.

3.3. Бир неча тариф гурухларига мансуб истеъмолчи билан хисоб-китоблар, хар бир тариф гурухига алоҳида ўрнатилган хисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

“Истеъмолчи” томонидан алоҳида хисобга олиш приборлари ўрнатиш рад килинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланилаётган энг юкори тариф гурухи бўйича хисоб китоб килинади.

3.4. “Истеъмолчи” хисоб-китоб даври тугагандан сўнг Электр таъминоти корхонаси ваколатли вакили билан биргаликда (мавжуд вазиятдан келиб чиккан холда) ёки унинг иштирокисиз хисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини хар ойда ёзиб олади ва ушбу шартноманинг 5-иловасига мувофик шаклда энергия сарфи бўйича хисобот тузади.

*“Истеъмолчи” “Таъминотчи корхона”га энергиянинг сарфланиши тўгрисидаги ҳисоботни ўз қўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг “25” санаисигача тақдим этади.*

Бунда, тўловларни табакалаштирилган тарифда амалга оширадиган “Истеъмолчи”лар бўйича электр энергия сарфи бўйича хисоботда фойдаланилган электр энергия (актив ва реактив) тўлик хажмидан ташкари тифиз, ярим тифиз ва тунги пайтларда фойдаланилган электр энергия хажмлари алоҳида хам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда. “Худудий электр тармоклари” корхонаси уларнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин карорни оммавий ахборот воситаларида эълон килади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан катий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида колади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳак тўлашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тарикасида тўланган хажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўғри кўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт/соатларда кайта хисоблаб чикилади ва “Таъминотчи корхона” томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки кўшимчалар билан биргаликда хисобга олинади.

3.6. “Истеъмолчи”га электр энергияси етказиб бериш 100 фоиз олдиндан ҳак тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, хисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳак тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар хисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб хисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин билдириги тартибида Таъминотчи корхонага мурожаат килганлари тақдирда электр энергияси истеъмолчиларга 50 фоиз олдиндан ҳак тўлаш асосида етказиб берилишига йўл кўйилади. Олдиндан ҳак тўланмаган хамда 50 фоиз олдиндан ҳак тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний хисоб-китоб амалга оширилмаган холларда мазкур истеъмолчиларга нисбатан электр тармокларидан тўлик узишгacha бўлган чоралар кўрилади.

3.7. “Таъминотчи корхона” “Истеъмолчи”нинг энергия сарфи тўгрисидаги ҳисоботи асосида белгиланган тартибда хисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичida тўлов амалга ошириш учун хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варагини тақдим этади.

“Истеъмолчи” турли тариф гурухларига тегишли бўлган бир нечта обьектга эга бўлса, хар бир тариф гурухи учун тариф кўрсатилган холда умумий хисоб-фактура тақдим этадилади.

“Таъминотчи корхона” томонидан маҳсус дастурий маҳсулот орқали хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варагини шакллантирилади хамда истеъмолчи тўгрисидаги маълумотлар кўрсатилган холда электрон ракамли имзо билан тасдиқланиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

(Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 25.06.2019 ўйлаби 522-сонли “Ўзаро ҳисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги ҳисобварак-фактурапардан фойдаланишини таомонлаштириш чора-тадбирлари тўгрисида”ги қарори)

3.8. Хисобга олиш прибори ушбу шартномага З-иловага мувофик, электр тармокларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларининг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармогининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми “Истеъмолчи” билан

биргаликда хисоблаш йўли орқали аникланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофик далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юкори қувватга уланган, табакалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган “Истеъмолчи” учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тифиз, ярим тифиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аникланиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳакини ёзиш учун кўшиб борилади. (*6-,7-иловаларни реактив қувватга эга ва технологик бронли истеъмолчилар тўлдиради*).

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи орқали худудий электр тармоклари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истеъмолчи тармокларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир кисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий миқдорига нисбатан худудий электр тармоклари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси миқдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимининг электр тармокларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Электр энергияси сарфи тўғрисидаги хисобот истеъмолчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, худудий электр тармоклари корхонаси томонидан электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия) истеъмолининг шартномавий миқдори бўйича ёки ўтган хисоб-китоб давр учун электр энергияси истеъмолининг ўртacha суткалик амалдаги миқдори тўғрисидаги маълумотлар асосида хисоб-китоб килинади.

Бунда хисобга олиш приборлари кўрсаткичлари назорат тартибида Таъминотчи корхона томонидан ёзиб олингандан кейин амалда истеъмол килинган электр энергияси учун қайта хисоб-китоб килинади. Қайта хисоб-китоб истеъмолчи ёки унинг вакили иштирокида ёхуд унинг иштирокисиз белгиланган тартибида амалга оширилади.

3.11. Таъминотчи корхона истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол килинган электр энергиясининг амалдаги миқдорини аниклаш учун улардаги электр энергиясини хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини хар ойда ёзиб олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини хисобга олиш приборларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. “Истеъмолчи” томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида “Таъминотчи корхона”га белгиланган шакл бўйича ўз қўли билан, факсимил электрон ёки поча алоқаси орқали тақдим этилган хисобот юридик шахслар хамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол килинган электр энергиясининг амалдаги ҳажмини аниклаш учун асос бўлиб хизмат килади.

Электр энергиясини хисобга олиш ва назорат килишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭҲНАТ) нинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг хисобга олиш приборларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофик, бирок бир ойда камида бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинади.

“Таъминотчи корхона” “Истеъмолчи”нинг шахсий хисоб-ракам ва хисобга олиш приборларининг холати хақида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идораларо электрон хамкорлик килиш тизимига реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. *Шартномада хисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдордан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, “Истеъмолчи”дан шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ истеъмол қилганда электр энергияси жаъми ҳажми учун белгиланган тарифининг 1,15 баравари миқдорида тўлов ундирилади.*

“Истеъмолчи”нинг электр энергияси ҳакини тўлаш, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек, ноконуний фойдаланилган электр энергияси қайта хисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови хисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳак тўлаш) сифатида хисобга олинмайди.

“Истеъмолчи” шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмини тўлик истеъмол килмаган тақдирда, аванс тарикасида тўланган маблағлар кайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги хисоб-китобларда хисобга олинади.

Хисоб-китоб оидан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган хар бир кун учун “Истеъмолчи”га тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида, электр энергияси маҳсус тартибида етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдорида пеня хисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

3.13. “Истеъмолчи” ва “Таъминотчи корхона” ҳар ойда ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг тақкослаш далолатномасини тузади.

3.14. “Истеъмолчи”ни қуидаги холларда электр тармоқларидан узилади:

шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

ҳисоб-китоблар ўз вактида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган электр энергияси учун карздорлик мавжуд бўлганда;

Таъминотчи корхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакиллариға ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;

ҳисобга олиш приборларини касдан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига ташкаридан аралашиб ҳатти-харакатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ноконуний фойдаланилгани, электр тармоқлариға ноконуний уланиш, талонтарож килиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш коидаларини бузишнинг бошка холатлари аникланганда.

Ягона электр энергетика тизимида электр энергия ва қувватда танқислик вужудга келганда, аварияларга йўл қўймаслик ва истеъмолчиларнинг тартибсиз узиб қўйилишининг олдини олиш мақсадида ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ўчириш вактини кўрсатган ҳолда, истеъмолчилардан рекламалар, иллюминациялар, бино ва иншоотларни ёритгичларни, электр иситиш ва исик сув билан таъминлаш курилмаларини ўчириб қўйишни талаби бажарилмаганда.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, “Истеъмолчи”ни қонун хужжатларида белгиланган тартибда электр энергиясидан фойдаланиш коидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.16. “Истеъмолчи” томонидан коидабузарлик холати бартараф этилиб, мавжуд карздорлик ва тўлов пайтидаги базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорида тўлов ундирилгандан сўнг тармоқга қайта уланади (ЭҲНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. “Истеъмолчи” электр тармоқларининг техник холатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда ҳак тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга рухсат этилмайди.

3.18. “Истеъмолчи” томонидан истеъмол килинган электр энергияси учун тўлов тарифлари қуидаги холарда ахоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади;

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” ги ЎРҚ 327-сон Конуннинг 28-моддасига асосан Оилавий корхона туар жойдан бир вактнинг ўзида унда истикомат килган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда электр энергияси ҳакини тўлаш ахоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси худудидаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар электр энергиясига тўловларни ахоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

#### **IV. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

4.1. Истеъмолчи қуидаги ҳуқукларга эга:

“Истеъмолчи”нинг электр қурилмаларини “Таъминотчи корхона” электр тармоқлариға техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартлариға мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталиши ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

“Таъминотчи корхона”га истеъмол киладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжаланаётган ўзгартиришдан олдин, тегишли миқдор учун 100 % тўлов амалга оширилган тақдирда, 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим;

электр энергияси тўлиқ ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартлариға мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда коплатиш;

Шартномани конун ҳужжатларига мувофик бир томонлама тартибда бекор килиш;  
Шартнома бекор килганда фойдаланилмаган электр энергияси миқдори учун тўланган маблагни  
кайтарилишини талаб қилиш;

Электр энергияси етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;  
электр таъминоти шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун  
судга, монополияга карши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юкори органга (мансадбор шахсга)  
мурожаат қилиш.

“Истеъмолчи” конун ҳужжатларига мувофик бошқа ҳуқукларга ҳам эга.

#### 4.2. “Истеъмолчи” қуйидагиларга мажбур:

худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан белгиланган электр энергиясини истеъмол килиш  
режимига риоя этиш;

фойдаланилган электр энергияси (куввати) учун ўз вактида ҳак тўлаш;

ишлатилаётган электр қурилмалари, асбоблар ва асбоб-ускуналарнинг зарур техник ҳолатини ва  
истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси коидаларига риоя  
килинишини таъминлаш, худудий электр тармоқлари корхонасига ёки электр таъминоти корхонасига электр  
асбоб-ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар қилиш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

«Ўзэнергоинспекциясининг» ёзма қўрсатмаларини ўз вактида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши коидалари талабларига риоя этиш;

ўрнатилган тартибда худудий электр тармоқлари корхонаси вакилига электр энергиясини хисобга  
олиш асбобларини кўришига имкон бериш;

йил мобайнода янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан  
камидা бир ой олдин электр энергиясининг зарур миқдори учун  
100 % олдиндан тўлов амалга оширилган тақдирда “Таъминотчи корхона”га буюртманома бериш;

келгуси йил учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни аниқлашда электр энергиясини электр  
тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни  
ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш,  
шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган  
субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини хисобга олиш.

Шунингдек, уланган қуввати 5 МВт ва ундан ортик бўлган “Истеъмолчи” “Таъминотчи корхона”нинг  
талабига қўра қуйидагиларни хисобга олиши ва бу ҳакида хабар бериши шарт:

истеъмол килинаётган қувватнинг хар суткалик, хар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва  
кувватнинг хар суткалик сарфи;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (кувват)нинг  
хар 30 дакиқадаги сарфи.

Уланган қуввати 250 кВа ва ундан ортик бўлган истеъмолчилар юкорида қўрсатилган мажбуриятлар  
 билан биргалиқда қуйидагиларга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг  
техник ва иктисодий жиҳатдан асосланган илғор нормаларини ишлаб чиқиш - умумий ишлаб чиқариш ва  
технологик: якка тартибдаги ва гурӯҳ бўйича; йиллик, чораклик  
ва ойлик - уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва  
янги техника жорий этилишига караб кайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар  
ва истеъмолчилар гурухлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб  
чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, электр  
энергиясининг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш  
бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш  
қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруриятини аниқлаш мақсадида  
(маҳсулот ишлаб чиқарышнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган прогноз ҳажмларидан ва

электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чикиб, уларни камайтириш ва электр энергиясини тежашни хисобга олган ҳолда) электр энергиясининг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдикланган меъёрларига риоя килиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узок истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чикиш ва амалга ошириш.

“Истеъмолчи” “Таъминотчи корхона” томонидан белгиланган энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажариши шарт.

“Истеъмолчи” конун хужжатларига мувофик бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

#### 4.3. “Таъминотчи корхона” қўйидаги ҳуқукларга эга:

“Истеъмолчи”дан шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини лозим даражасида бажаришини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда “Истеъмолчи” томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда коплатиш;

авария режимида “Истеъмолчи”ни электр тармоғидан узиб қўйиш;

ЭҲНАТга уланган ёки электр энергиясига олдиндан ҳак тўлаш қурилмасига эга хисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳак тугаганда электр тармокларидан узиш.

Электр тармоғи хўжалиги объектларидаги аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ёки одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боғлик кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш зарурати бўлганда, “Истеъмолчи” билан келишмасдан ва уни огохлантирмасдан энергия етказиб беришни тўхтатиш ёки чеклаш.

“Таъминотчи корхона” конунчиликка мувофик бошқа ҳуқукларга ҳам эга.

Мазкур шартномага асосан “Истеъмолчи”ни электр тармокларидан узилгандан кейин юзага келган холат учун “Таъминотчи корхона” жавобгар бўлмайди.

#### 4.4. “Таъминотчи корхона” қўйидагиларга мажбур:

“Истеъмолчи”га электр энергиясини электр тармоғи оркали электр тармокларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача шартномада кўрсатилган хажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, хисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф килиш;

электр тармоғи хўжалиги объектларини режали туфайли электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида камидан З кун олдин огохлантириш;

“Истеъмолчи”ни электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиши сабаблари тўғрисида хабардор килиш;

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни хажми ва вакти кўрсатилган ҳолда “Истеъмолчига” олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа, бузилишлар тўғрисидаги “Истеъмолчи”нинг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чикиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориши;

“Истеъмолчи”га ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия хисобини юритиш;

“Истеъмолчи”нинг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофик беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий ҳажмига ўзgartiriшлар киритиш, электр энергиясининг ойлик шартномавий миқдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу хақида, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда, истеъмолчига хабар килиш;

“Истеъмолчи”да ўрнатилган хисобга олиш приборларини алмаштириш ва ўрнатиш, пломбалашни таъминлаш;

давлат стандартига мувофик бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Таъминотчи корхона конунчиликка мувофик бошқа мажбуриятларга ҳам эга.

### V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси конунчилигига белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, “Таъминотчи қорхона” бунинг натижасида етказилган ҳакикий зарарни коплашга,

“Истеъмолчи” эса етказилган ҳакикий заарни коплашга мажбур.

5.2. “Таъминотчи корхона” “Истеъмолчи” олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

“Истеъмолчи” электр энергияси истеъмолининг белгиланган режимига риоя килмай, электр энергияси истеъмоли ёки кувватининг шартномавий миқдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, “Таъминотчи корхона” томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боғлик ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун “Истеъмолчи” олдида моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. Томонлар уларнинг хошиш ва ҳаракатларига боғлик бўлмаган табиий оғатлар ёки ижтимоий-иктисодий вазиятлар сабабли ушбу шароитларда кайтариб бўлмайдиган ва олдиндан билиб бўлмайдиган фавқулодда холатларни ўз ичига олган ёнгиб бўлмас куч (форс-мажор) оқибатида ўз зиммасига олинган мажбуриятларни бажара олмаса, томонлардан хеч бири ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки кисман бажармагани учун жавоб бермайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш оркали ҳал килинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш оркали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар конунчиликда белгиланган тартибида ҳал килинади.

5.5. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи оркали худудий электр тармоклари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истеъмолчи тармокларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир кисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий миқдорига нисбатан худудий электр тармоклари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси миқдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимиning электр тармокларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

## VI. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР

6.1. Шартнома 2022 йил 31 դекабр гача бўлган муддатга тузилади.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сакланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин ҳабардор килган холда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шарти билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида ҳабарнома ёзма равишида юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар факат ёзма равишида амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳакикий ҳисобланади.

6.5. мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – коидалар Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22 сон карори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш коидалари хамда бошка амалдаги норматив – хукукий хужжатлар талабларига мувофик тартибга солинади.

# Етказиб бериладиган энергия хажми

1. Тариф гурухи II
2. Фаолият түри Жүрилгаш бюджет
3. "Истеъмолчи" электр курилмаларининг уланган қуввати: 9 кВА (кВт)
4. Техник шарт бўйича рухсат берилган қувват   кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиҳа бўйича) III
- Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (амалда)
6. Хисоб-китоб түри:

тариф түри: табакалаштирилган, бир ставкали ёки ахолига тенглаштирилган (кераклиси ёзилсин)

Давр	Энергия хажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гурухлари бўйича			
		I	II	III	IV
Йил, жами	0,900	403000			1450
Январь	0,300	135000			450
Февраль	0,300	135000			450
Март	0,300	135000			450

Ташкилот кунига фойдаланади 24 соат, ойга 31 кун

Умумий юкламага нисбатан сменалар бўйича юкланиш % хисобида I 60 II 40 III 30

**Истеъмолчи**

- Тошкент вилояти хокимлиги Махсус базаси директори  
Ф.Р.Рузматов
- М.У., имзо, лавозими, Ф.И.Ш.

**Таъминотчи корхона**



М.У., имзо, лавозими, Ф.И.Ш.

Электр таъминотининг шартномасига 2 - илова

## Энергияни хисобга олиш приборлари ўрнатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари

“Истеъмолчи”нинг (суб“Истеъмолчи”ниг) хисобга олиш прибори ўрнатилган жойлар, түри ва кучланиш тоифаси (кВ) кўрсатилган холда	Хисобга олиш прибори түри (актив), (номинал токи)	Хисобга олиш прибори раками	Хисобга олиш прибори клемма копкоғидаги пломбанинг раками	Ўлчов трансформатор -ларининг трансформация коэффициенти		Хисоб-китоб коэффициенти	Хисобга олиш приборини нгшартном а тузилган кундаги кўрсаткичл ари хисоблагич	Тариф түри сўм/ 1 кВт.с.
				Ток	Кучланиш			
Риз - очиб риз - очиб	СЛ-102 мер 201	0097060 4700069 109 286	- -	- -				450

Имзолар:

**Истеъмолчи:**

- Тошкент вилояти хокимлиги Махсус базаси директори  
Ф.Р.Рузматов
- М.У., имзо, лавозими, Ф.И.Ш.

**Таъминотчи корхона:**



М.У., имзо, лавозими, Ф.И.Ш.

**VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ**

**ИСТЕМЛЧИ: Тошкент вилояти ҳокимлиги Махсус базаси**

**Юридик манзили Янгийўл тумани Махсус базаси**

**Хисобраками : 23402000300100001010 МБ Тошкент ш ББХКМ**

**Банк коди (МФО) 00014 STIR (ИНН) 201122919**

**Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялашириладиган Истеъмолчилар учун:**

**Бюджет фондининг ҳисобраками ш.х/р : 100021860272597029902178001**

**• Янгийўл тумани Газначилик бўлинмаси**

**Банк коди (МФО) 00014 STIR (ИНН) 200470226**

**Бюджетдан ташқари фондинг ҳисобраками**

**Банк коди (МФО) STIR (ИНН)**

**ҚҚС тўловчининг коди**

**Телефонлар: 40-60-62-304 Факс: 40-60-62-364 e-mail:**

**(Истеъмолчининг, шу жумладан раҳбарининг уяли, факс телефонлари коди электрон манзил ёзилади)**

**Кадастр раками: 1120-01:04:060239 :**

**Статистик кодлар:**

**IFUT (ОКОНХ) 97400**

**ВТ (СООГУ)**

**МНОВТ (COATO)**

**(КФС)**

**TSHK (КОПФ)**

**ТАЪМИНОТЧИ КОРХОНА:**

**Почта манзили**

**Ҳисобраками**

**Банк коди (МФО) STIR (ИНН)**

**ҚҚС тўловчининг коди**

**Телефонлар: : Факс:**

**Статистик кодлар:**

**DBIBT (СООГУ)**

**МНОВТ (COATO)**

**"CHIRCHIQ SHETK"**  
*Chirchiq sh. Temiryo'chilar ko'chasi, 118  
 Tel: (037071) 6-39-47  
 Jismoniy.sh X/r 22636000900124958131  
 Yuridik.sh X/r 22636000900124958431  
 ATB "O'zsanoatqurilish bank"  
 Toshkent viloyat mintaqaviy filiali  
 MFO:00490 STIR:201221748 IFUT:35120*

**Истеъмолчи:**

**• Тошкент вилояти ҳокимлиги Махсус базаси**

**директори**

**Ф.Рузматов**

**М.Ў., имзо, лавозими, Ф.И.Ш.**

**Мазкур**

**электр**

**энергиядан**

**фойдаланиш**

**шартномаси**

**Абдурахманов**

**юристконсульт**

**Ф.И.Ш.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли карори талабларига мувофиқ тузилган. Томонлар ўртасида мазкур шартномани тузиш учун Ўзбекистон Республикасининг конунчиллик талаблари монийлик килмайди. Шартнома иштирокчиларининг хукук ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хукукий базаси тўғрисида"ги конуни талабларига жавоб беради. Шартнома шартлари юзасидан келиб чикиши мумкин бўлган жавобгарлик масаласи томонлар ўртасида конуний келишилган. Шартнома юзасидан шартнома иштирокчилари ўртасидаги низоларни ҳал килиш тартиби белгиланган.

**Юристконсульт:**

**Abdurahmanov**  
(имзоси)

**Электр таъминотининг шартномасига 1 -  
илова**

Электр таъминотининг шартномасига

3 - илова

Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги  
ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси

ДАЛОЛАТНОМАСИ

Изоҳ: Хар бир электр энергияси ҳисобга олиши прибори учун алоҳида 3 ва 4-иловалар тузилади

Ҳисобга олиши прибори давлат рақами 47000639 ток трансформатори \_\_\_\_\_ кучланиши  
трансформатори \_\_\_\_\_ жасами кофициент \_\_\_\_\_ уланган қуввати \_\_\_\_\_ кВт

Ҳисобга олиши прибори ўрнатилган манзил 1. Адесур 185

1. Тариф гурухи DP Фаолият тури бюджет. смете борга шахар, қфи, мфи, кӯча уй рақами  
Труба ишл.чийк, Шлакоблок, Гиши, Плита ишл

чек, Акфа

чехи, Насос, Савдо, Кафе., Оиҳона, Устахона ва...???

1. “Истеъмолчи”нинг балансида қуйидаги электр курилмалар мавжуд:

a) хаво электр тармоғи \_\_\_\_\_

b) кабель электр тармоғи 127-0-4 28 8732х4мм2 2-20

c) подстанциялар, трансформатор подстанциялари ТП рақами \_\_\_\_\_, \_\_\_\_\_ кВА

Z

2. “Истеъмолчи” ва “Таъминотчи корхона” ўргасидаги электр тармоқларнинг баланс бўйича  
mansublik chegarasi T1745 dan yinchani o'chib kovalanmaysa  
simmetoz uzoqligoriga chonigan xesabdaq

3. Улардан қуйидагиларга:

a) Барча истеъмолчи тарафдаги ташки ва ички электр курулма ва электр ускуналарга.  
хизмат кўрсатиш “Истеъмолчи” ходимлари томонидан,

b) T-45 dan sevral o'cherib 11 o'seshmoq chonofro  
uchinak tarjimasi chiqi borabet qurʼatilmoqro “Истеъмолчи” билан  
тузилган “Техник хизмат кўрсатиш” № \_\_\_\_\_ сана \_\_\_\_\_ й. шартномаси асосида электр таъминоти  
корхонаси ходимлари томонидан хизмат кўрсатилади. “Техник хизмат кўрсатиш” шартномаси тузмаса  
томонидан хизмат кўрсатилмайди.

4. Электр курилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик  
чегараси қуйидагича белгиланди: Уланиши нуктасидан истеъмолчи тарафдаги  
барча электр курилма ва электр ускуналарга истеъмолчи жавобгар.

Вакиллар:

Истеъмолчи

М.ў.



Таъминотчи корхона

М.ў.

(имзо)



Ф.Р.Рузматов  
(Ф.И.Ш.)

Энергияни йўқолишиларини аниқлаш бўйича  
ДАЛОЛАТНОМА

Энергия хисобга олиш приборлари электр тармокларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармокларининг баланс бўйича мансублиги чегараси хисобга олинган ҳолда мансублик чегарасидан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган кисми хисоблаш йўли билан аниқланади ва куйидагиларга хисобланади:

а) Куввати \_\_\_\_\_ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишилари \_\_\_\_\_ кВт.соат ёки \_\_\_\_\_ %, реактив энергия йўқолишилари \_\_\_\_\_ кВАр.соат ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади; **ёки хисоб китоб йўли билан**

б) Истеъмолчининг кабель линияларидаги ҳар ойлик энергияни йўқотиш:

Узунлиги *6-10.* м;

Кесим юзаси *2X4 джиз 2* мм<sup>2</sup>;

Русуми *47 В.*;

Кучланиши \_\_\_\_\_ кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.соатни, ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади;

в) Истеъмолчининг ҳаво линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқолишилари:

Узунлиги \_\_\_\_\_ м;

Кесим юзаси *2* мм<sup>2</sup>;

Русуми \_\_\_\_\_;

Кучланиши \_\_\_\_\_ кВ бўлса, \_\_\_\_\_ кВт.соатни, ёки \_\_\_\_\_ % ташкил этади.

Энергияни ҳар ойда жами йўқотишлар хажми хисоб давридаги энергия сарфининг \_\_\_\_ фоизини ташкил этади.

Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юкорида кўрсатилган энергия йўқолишилари Истеъмолчининг ҳар хисоб-китоб даври учун, хисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истеъмолидан ва 1-иловада кўрсатилган ойлик шартномавий энергия миқдорларидан келиб чиқиб аниқланади.

Таъминотчи корхонанинг электр тармоклари ва уйларнинг ички электр тармокларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк хисобланадиган ушбу тармоклардан таъминланадиган майший истеъмолчиларнинг электр энергиясини хисобга олиш ускуналаригача бўлган электр тармокларидаги электр энергияси йўқотишлари хисоб-китоб килиш йўли билан аниқланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари истеъмолига қаратилади.

Имзолар:

- Тошкент вилояти хокимлиги Махсус базаси

директори

Ф.Р.Рузматов

*М.У.*, имзо, лавозими, Ф.И.Ш.

